



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 15 июль, № 143 (9314)

Чоршанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТОСКАНА ВИЛОЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 июль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Италиянинг Тоскана вилояти губернатори Эуженио Жани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон — Италия стратегик шериклигини, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда

янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Худудлараро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча даражаларда икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани ва ҳамкорлиқнинг асосий кўрсаткичлари изчил ўсиб бораётгани мамнуният

билан қайд этилди. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми 25 фоизга ошди. Ўзбекистонда металлургия, энергетика, қишлоқ

хўжалиги, кимё саноати ҳамда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида Италиянинг етакчи компаниялари иштирокидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Тосканани кўп асрлик тарихий ҳамда маданий алоқалар боғлаб туриши таъкидланди. Буюк Ипак йўли даврида Флоренция билан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ўртасида фаол савдо-сотик амалга оширилган, флоренциялик савдогар ва дипломатлар эса Амир Темур саройида қабул қилинган.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида Пиза университетининг филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жорий йилда мазкур филиал меҳнат бозорига илк битирувчиларни чиқаради. Прато шаҳрида мамлакатимизнинг тўқимачилик маҳсулотлари “Савдо уйи” ишламоқда. 2024 йилда Флоренциядаги Уффици галереясида юртимизнинг авангард санъати асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тоскана вилояти билан тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва заргарлик саноати, қурилиш ҳамда таълим, маданият ва туризм соҳаларида ҳамкор-

ликни ривожлантириш катта салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Тоскана ва Бухоро вилояти ўртасида шериклик алоқаларининг ривожланаётгани ҳамда ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани юксак баҳоланди.

Учрашув якунида Тоскана билан мамлакатимиз худудлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишни назарда тутувчи қўшма “Йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилиш тўғрисида келишувга эришилди.

Тоскана Италиянинг энг иқтисодий ривожланган худудлари қаторига киради ва кучли саноат салоҳияти, юқори технологияли ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги, жаҳонга машхур виночилик ҳамда туризм тармоғига эга.

Вилоятнинг маъмурий маркази — Флоренция эса жаҳон маданияти, илм-фани ва санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган Уйғониш даврининг умумэтироф этилган “бешиги” ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

Президент Илҳом АЛИЕВ: ҚОРАБОҒНИ ТИКЛАШДА БИРИНЧИ ЁРДАМ ЎЗБЕКИСТОНДАН КЕЛДИ

13 июль куни Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев IV Шуша Глобал медиа форумининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш Озарбайжон учун устувор йўналишлардан бири эканини таъкидлади.

Эътироф

“Мухтарам Президент Шавкат Мирмонович билан шахсий дўстлигимиз бу муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқди. Қорабоғни тиклашда бизга биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти ёрдам берганини алоҳида таъкидлайман. Фузулий шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги кўркам ва катта мактаб қурилди ҳамда биз Шавкат Мирмонович билан биргаликда ушбу мактабни очдик. Шундан сўнг бизга бошқа қардош давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳам совғалар тақдим этди. Лекин биринчи ёрдам айнан Ўзбекистондан келди”, деди Озарбайжон етакчиси.

Президент Илҳом Алиев икки мамлакатни жуда чукур тарихий ришталар боғлаб туриши ҳамда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири эканини қайд этди. Озарбайжон раҳбари Ўзбекистоннинг биродарлик миссияси фақат мактаб билан чекланиб қолмаганига эътибор қаратди. Хонкенди шаҳридаги биринчи йирик саноат корхонаси — тикувчилик фабрикаси ҳам айнан ўзбек сармоёси ҳисобидан очилди.

“Кўплаб иқтисодий ва саноат лойиҳалари амалга оширилмоқда. Уларга ҳам Озарбайжон, ҳам Ўзбекистон сармоёлари киритилмоқда. Биз устав капитал 500 миллион доллар бўлган қўшма инвестиция фондини туздик. Мазкур инвестиция фонди Ўзбекистон ва Озарбайжонда турли лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Бугун Озарбайжоннинг “SOCAR” нефть компанияси Ўзбекистондаги муҳим конни қидиришга сармоя киритмоқда ва яқин келажақда яхши хабарлар эшитишга ишонамиз. Чунки бугунги кунда энергетика хавфсизлиги, айниқ-

са, газ таъминоти масалалари кўплаб мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга ва “Устюрт” қонидаги қидирув ишлари яхши натижа беришига ишонаман”, деди Озарбайжон Президенти.

Илҳом Алиев “Озарбайжон — Марказий Осиё” формати ташкил этилганига алоҳида тўхталиб, бунда ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг юксак ҳизматлари ва ўзига хос ўрни борлигини таъкидлади. “Озарбайжон афлақачон ушбу Маслаҳат кенгашига тўлақонли аъзо сифатида қўшилди. Мени икки марта саммитларга фахрий меҳмон сифатида таклиф қилишди. Охириги марта ташкил этилган учрашувда ягона “Озарбайжон — Марказий Осиё” Маслаҳат кенгаши тузилди. Бу бизда катта ғурур ва қувонч уйғотади. Айтишим мумкинки, бу ноёб ҳодиса, чунки географик жиҳатдан биз Жанубий Кавказда жойлашганимиз. Бироқ маданий, тарихий ва этник алоқалар шунчалик мустаҳкам, сиёсий муносабатлар эса шу қадар кўп қирраллики, Марказий Осиёдаги дўст мамлакатлар бизни қабул қилиш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади”, деди у.

Озарбайжон давлат раҳбарининг фикрича, бундай муносабатлар бугунги кунда геосиёсий ва геоиқтисодий муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўсатади. Чунки шу тариқа Марказий Осиё Озарбайжон билан ягона иқтисодий ва сиёсий маконда бирлашади.

Таъкидланганидек, “Президент Шавкат Мирзиёевнинг узокки кўра билиши ва стратегик қарашлари бу борада жуда муҳим аҳамият касб этди”.

“Қардош ўзбек халқи ва давлати Президент Шавкат Мирзиёев етакчилигида муваффақиятли тарзда ва ишонч билан олға бораётгани эътирофга лойиқ”, дея сўзини якунлади Озарбайжон Президенти.

«Дунё» АА.
Boky

ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ИСЛОҲ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

Ўн йилда мамлакатимизда пенсия миқдори 3,3 баробар оширилди, унинг энг кам миқдори минимал истеъмолад харажатлари даражасидан юқори белгиланди. 2021 йилгача 1,1 миллион нафар фуқаронинг пенсияси 400 минг сўмдан кам бўлган. Бугунги кунда энг кам пенсия миқдори 878 минг сўмни, минимал истеъмолад харажатлари эса 715 минг сўмни ташкил этмоқда.

Тақдиротда жамғариб бориладиган пенсия тизими ривожланган мамлакатларда пенсия маблағлари иқтисодиёт учун узок муҳлатли ресурс вазифасини ўтаётгани қайд этилди.

Хисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда пенсия тизими тўғри йўлга қўйилса, иқтисодиётга узок муҳлатли маблағларни жалб қилиш мумкин. Буни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт ва Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари ҳам тасдиқламоқда.

Шу боис пенсия тизимини илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш, жамғариб бориладиган, хусусий ва корпоратив пенсия тизимларини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Хозирда фуқаролар иш ҳақининг 0,1 фоизи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу маблағларга ҳисобланадиган йиллик 10 фоизлик даромад банк омонатларидан қарийб икки баробар кам.

Шу муносабат билан мазкур тизимнинг жозибдорлигини ошириш ва аҳолини унда фаол иштирок этишга рағбатлантириш бўйича янги механизмлар таклиф қилинди.

Хусусан, ойлик иш ҳақи 7,6 миллион сўмгача (пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг 15 баравари) бўлган фуқаро жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига иш ҳақининг 5 фоизини ўтказса, давлат томонидан қўшимча яна 2,5 фоиз миқдоридида маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ойлик иш ҳақи 7,6 миллион

сўмдан юқори бўлган фуқаролар учун эса тўланган ижтимоий солиқнинг шу миқдордан ошган қисмининг 1 фоизини уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш таклиф этилди.

Пенсия миқдорини ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Амалда пенсия охириги ўн йиллик меҳнат фаолиятидаги беш йиллик иш ҳақидан ҳисобланади. Шунингдек, иш ҳақининг 6 миллион сўмдан юқори қисми ҳисобга олинмайди. Бу айрим ҳолларда фуқаролар пенсиясининг ўртача миқдори пасайишига олиб келмоқда.

Шу боис пенсия ҳисобланадиган иш ҳақи даврини 5 йилдан 20 йилгача узайтириш ҳамда паст даромад олинган айрим даврларни ҳисобдан чиқариш таклиф қилинди.

Шунингдек, 2027 йилдан бошлаб пенсия ҳисоблашда инobat ҳақ олинадиган иш ҳақининг юқори чегарасини ҳозирги 6 миллион сўмдан 6,6 миллион сўмга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хисоб-китобларга кўра, янги тартиб асосида пенсияга чиқадиган фуқароларнинг пенсия миқдори ҳозиргига нисбатан 8 фоизга ошиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари пенсия тизимидаги ўзгаришлар миллионлаб фуқароларнинг ҳаёти ва келажагига дахлдор эканини таъкидлаб, ҳар бир таклифнинг ижтимоий ва иқтисодий таъсирини пухта ҳисоб-китоб қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Бундай масалаларни аҳоли, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва блогерларни жалб қилган ҳолда очик муҳокама қилиш, ислохотларнинг мақсади ва қўлайлигини натижаларини фуқароларга аниқ тушунтириш вазифаси қўйилди.

Мутасаддиларга хорижий тажрибани ҳар томонлама пухта ўрганиб, хусусий ва корпоратив пенсия тизимларини яратиш бўйича қонун лойиҳасини киритиш вазифаси қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚАТАР АМИРИ ВА ХАЛҚИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати собиқ Амири Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун 14 июль куни Доҳа шаҳрида бўлди.

Ҳамад халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қатар Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири Шайх Сауд бин Абдулрахмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Лусаил саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирига отаси — собиқ Амир Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Шайх Ҳамад Ол Соний Ҳазратлари Қатар Давлати эришган кўплаб тарихий ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, иж-

тимоий-иқтисодий ҳаётдаги жадал ислохотлар, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига улкан ҳисса қўшган сиёсат арбоби бўлгани таъкидланди.

Шу билан бирга, ул зотнинг мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда мустақамлашдаги самарали меҳнатлари алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз Қатар бугунги кунда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллаётгани, халқаро майдонда катта таъсирга эга “Доҳа овози” пайдо бўлганини эътироф этди.

Икки давлат етакчилари Ўзбекистон ва Қатар ўртасида-

ги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали алоқаларни янги босқичга кўтариш, долзарб халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўз навбатида, Қатар Амири Ўзбекистон Президентига ушбу синовли дамларда шахсан ташриф буюриб, билдирган самимий ҳамдардлиги ҳамда дўстона қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорлик изхор этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон раҳбари Қатар Амирини ўзига қўлай бўлган фурсатларда мамлакатимизга ташриф буюришга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига ташрифи якунланди.

Ў.А.

ПАРЛАМЕНТ СОҲАСИДАГИ САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАР

2025 йилнинг 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун тарихий воқеа бўлди. Минтақада илк бор ташкил этилган ушбу нуфузли форум парламент дипломатиясида янги босқични бошлаб берди ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлади. Бу ютуқ Парламентлараро Иттифоқнинг Женевада эълон қилинган 2025 йил якунлари бўйича расмий йиллик ҳужжатида ҳам алоҳида қайд этилди.

Ҳисобот

Парламентлараро Иттифоқнинг 2025 йилдаги фаолият натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботида ташкилотнинг ўтган йил давомида парламентлар ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари ҳамда аъзо давлатлар билан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Бунда Ўзбекистоннинг парламент соҳасидаги қатор ташаббуслари ва тажрибаси илғор намуна сифатида келтирилган.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЕЧИМЛАРИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ



вакиллари қўтарган масалалар бўйича мутасаддилардан батафсил жавоблар олингани ургуланди.

Миллий маъруза кўриб чиқилди

Кун тартибидagi масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. Бурхонов ахборот берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ва институционал ислохотлар тизимли амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши ку-

рашиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳукумат фаолиятининг очик ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини қучайтириш, бюрократияни камайитириш ва давлат хизматларини рақамлаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган превентив механизмлар амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

➡ 3

Сенат кўмитасида

КОРРУПЦИЯГА МУРОСА ЙЎҚ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тўрисида миллий маъруза кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги, давлат органларида ички назорат тизимини такомиллаштириш, қонулар ижросини таъминлаш ҳамда парламент назорати натижалари асосий эътибор марказида бўлди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ҳамда институционал асослари сезиларли даражада такомил-



лаштирилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам коррупциявий хавфларни камайтириш, давлат бошқарувида очиқлиқни кучайтириш ва жамиятда мазкур илатга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бу йўналишдаги ислохотлар халқро рейтингларда ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, “Transparency International” ташкилоти Эълон қилган 2025 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 182 давлат орасида 31 балл билан 124-ўринни эгаллади.

Йиғилишда бу йўналишда ҳали ҳам ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилди. Хусусан, 2025 йилда коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига энг катта зарар Андижон ва Қашқадарё вилоятларида келтирилган. Бундан ташқари, коррупция билан боғлиқ жиноятларда айбланиб судланганларнинг асосий қисмини мактабгача ва мактаб таълими тизими, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда тижорат банклари ходимлари ташкил этмоқда. Бу эса айнан фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган соҳаларда коррупция хавфини камайтириш

Хусусан, коррупция кўрсаткичлари ошган давлат органлари фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ва тезкор чоралар кўриш, ушбу жиноят ҳақида хабар берган фуқароларни рағбатлантириш тизимини кенг тартиб этиш, бу борадаги тартибни аҳолига содда ҳамда тушунарли шаклда етказиш учун махсус видеороликлар тайёрлаш, давлат органларидаги ички назорат тизимлари фаолиятини кучайтириш ва очиқлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш шулар жумласидан.

Мажлисида парламент назорати доирасида яна қатор муҳим қонунларнинг амалий ижроси ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида” ҳамда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунларнинг ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва уларга оид қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторинг натижалари муҳокамадан ўтказилди.

Кўриб чиқилган масалалар бўйича кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ СОҲАСИДАГИ САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАР

Йиллик таҳлилда парламентлар самарадорлигини ошириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш, дезинформацияга қарши курашиш, иқлим ўзгаришига қарши парламент назорати ва дипломатиясини ривожлантириш, шунингдек, ташкилот фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш 2025 йилнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди.

Ҳисоботнинг алоҳида қисми Тошкентда бўлиб ўтган 150-йилбей ассамблеяга бағишланган. Унда мазкур форум Ўзбекистон парламенти томонидан юксак ташкилий даражада ўтказилгани, мамлакат Марказий Осиё тарихида илк бор Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясига меъбонлик қилгани алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, ассамблея ишти-

рокчилари таркиби ҳам юқори баҳоланган. Хусусан, унда парламент аёл аъзолари улуши 37 фоиздан ошгани ва бу 2022 йилдан буён қайд қилинган энг юқори кўрсаткич экани эътироф этилган.

Якуний ҳужжатда ассамблеянинг асосий натижаси бўлган Тошкент декларациясига ҳам кенг ўрин ажратилган. Декларация парламентлар камбағаллиқни қисқартиришга қаратилган янги сиёсат ишлаб чиқиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларига жавоб берадиган демократик иқтисодийни ривожлантириш ҳамда сунъий интеллект каби янги технологияларни самарали тартибга солувчи институтларни мустақамлашга қаққариши қайд этилган.

Бундан ташқари, ассамблея доирасида Парламентлараро Иттифоқнинг “Парламентларда

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

ТАШАББУС НАТИЖАСИДАН ЭЛ МАМНУН

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Бойжигит ва Маърифат маҳаллаларида давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эмаслиги сабабли ҳудуд аҳолиси фарзандларини Тошкент шаҳридаги боғчаларга олиб боришга мажбур бўлаётганликлари ҳақида мурожаатлар келиб тушган эди.

Мазкур мурожаатлар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди ҳамда масала Сенат ялпи мажлисида кўтарилди.

Сенатор ташаббуси натижасида Қибрай туманининг Бойжигит маҳалласи ҳудудида жойлашган “Меҳржон” номли 34-кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотининг бўш турган 30 сотих ер майдонида 120 ўринли янги давлат мактабгача таълим ташкилотини барпо этиш лойиҳаси 2025 йилги давлат инвестиция дастурига киритилган эди. Лойиҳани амалга ошириш учун Давлат бюджети ҳисобидан 3,6 млрд. сўм ажратилди.



Кўрилиш ва таъмирлаш ишлари якунланиб, барча замонавий талабларга жавоб берадиган, болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, интеллектуал ва jisмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитларга эга янги давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Куни кеча бўлиб ўтган ва маҳалла фоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ота-оналар ишти-

«Халқ сўзи».

МУЛКИЙ ТАШВИШЛАРГА ҚОНУНИЙ НУҚТА

Саидвали Суянов Кўшработ туманидаги олис Оғатепа қишлоғида яшайди. У шифокорлик касбига юзлаб одамларнинг дардига дармон бўлган. Саидвали ота йиллар давомида пешона тери билан уй қурди, шу қўргонда фарзандлар улғайтириб, тўйлар қилди. Аммо негадир уни расмий ҳужжатлаштириб қўйишни ҳечам ҳаёлига келтирмади. Кексалик ёшига етганде шуни тушундики, заҳматли меҳнати эвазига бунёд бўлган уйи ҳеч бир ҳужжатда расмий тан олинмаган экан.

“Болаларимга нимани мерос қолдираман? Мендан кейин шу уй туйғили улар ўртасида низо, келишмовчилик келиб қўқмасмикан?” деган хавотир отахонини жиддий ташвишга солиб қўйди. Ҳужжат ишлари учун югурай деса энди куч-қувват ҳам, соғлиқ ҳам олдингидек эмас...

Маҳаллий Кенгашларда

Туман кадастр бўлими ходимлари томонидан маҳаллада сайёр қабул ўтказилаётганидан хабар топган отахон келини Зебинисо Қаршиевани ишга солди. Масала у йўланидан чигал бўлмади, мутахассислар мурожаатни тинглади, уй-жойни ўрганиб, керакли маълумотларни осон қилиб қиритишди. Орадан тўпмай унинг қўлига уй-жойга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатни тутқазди.

Чунки бугунги кунда мазкур масаланинг аниқ ва тизимли ечими бор. “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга

бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ва “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонулар ҳамда уларда киритилган янги ўзгаришлар ва қўшимчалар Саидвали Суянов каби минглаб юртдошларимизнинг мушуқлини осон қилмоқда. Юридик ва jisмоний шахсларнинг ер участкалари, бино ҳамда иншоотларга нисбатан эгалик ҳуқуқини олишдаги муаммоларига ечим бўлмоқда.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўтарилган мавзу шу нуктаи назардан долзарб

аҳамият касб этади. Унда ҳудудларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино-иншоотларни аниқлаш ишларини самарали ташкил қилиш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш, фуқаролар билан манзиллар ишлаш, сайловчилар билан мунтазам сайёр қабулларни йўлга қўйиш орқали муаммоларини жойида ҳал этиш, ноқонуний ер эгаллаш ҳолатларининг олдини олиш каби масалалар қизгин муҳокама қилинди.

— Узоқ йиллар давомида расмийлаштирилмаган, лекин амалда фойдаланилаётган ер участкалари ҳамда уларда барпо этилган иморатларга нисбатан юртдошларимизнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, шу орқали уларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоялаш асосий мақсадимиз, — дейди халқ депутатали Самарқанд вилояти Кенгаши раиси Шухрат Негматов. — Бу шунчаки бюрократик жараён эмас, балки давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбурияти, десак, янглишмаймиз. Ўрганишлар айрим туманларда ер участкалари, бино-иншоотларни аниқлаш, маълумотлар ва ҳужжатларни тизимга қиритишда ишчи гуруҳлар томонидан сусткашликка йўл қўйилганини кўрсатди. Уни бартараф этиш

учун зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди. Кенгаш томонидан ҳудудларда хатлов ишлари самарадорлигини ошириш, ҳар бир маҳалла кесимида амалга оширилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиб бориш, аниқланган муаммоларни жойида ҳал этиш ва масъул раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан аниқ ташкилий чоралар белгиланди.

Вилоятда тасдиқланган режа-важуд мувофиқ жорий йилда 231 та маҳаллада хатлов ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, биринчи ярим йилликда бу 97 та маҳаллада ўтказилди. Қонун қучга кирган даврдан бошлаб то бугунгача жами 142 мингдан зиёд кўчмас мулк объектларига эгалик ҳуқуқи тақдим этилди. Айни вақтда 1 906 та объект турли сабабларга кўра рад қилинган. 11 110 та объектга нисбатан халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эгалик ҳуқуқларни эътироф этилди. Аммо фуқаролар томонидан бор-йўғи 3 376 та кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишни сураб мурожаат қилинган. Бу эса ҳуқуқи эътироф этилган объектларни рўйхатдан ўтказиш ишларини янада жадаллаштириш, аҳоли ўртасида қонун мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ҳамда ҳуқуқий таригот тадбир-

«Халқ сўзи».

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПДИМ

Инсонни меҳнат улуғлайди. Агар киши ишини ҳалол бажарса, умрбод касбига содиқ қолса, ҳаётнинг машаққатлари ва синовларидан муваффақиятли ўтса, албатта, умридан барака, касбидан камол топади.

Акс садо

Шу кунларда табаррук тўқсон беш ёшни кўтиб олдим. Ҳарбий хизматдан қайтган, кўплаб тенгқурлар қатори Бекободимиздаги металлургия комбинатида ишлаш истагида ходимлар бўлими мудирига учрашганим худди кечагидек ёдимда. Шу тарихи тақдирим комбинат билан боғланди ва бундан мингдан-минг розиман.

Хуллас, 1955 йил 15 март кунини менга меҳнат дафтарчаси очилиб, мазкур комбинатда оддий ишчи вазифасида фаолиятим бошланди. Ўтган вақт мобайнида касбимни улуғлашга ҳаракат қилдим. Тақвим саҳифалари 2003 йилнинг 10 августига келганида, олтинчи муал ёшимга пешвоз чиққан чоғим ўз хо-ҳишимга кўра, фаолиятимни якунладим. Аммо меҳнат фаолиятим фақатгина расман нихоясига етди. Эндilikда кўп йиллик тажрибамни ўзимда асрашим инсофдан эмаслигини ич-ичимдан ҳис қилардим. Ахир, Алишер Навоий ҳазратлари “Хунарни асрабон нетгумдир охир...” дея бежиз ёзмаган-ку. Ҳаётий кўникмаларим орқали янги авлод металлургиянинг камол топиши учун жамоатчилик асосида имкон қадар ҳаракат қилиб келмоқдам.

Куни кеча миллий металлургиямиз ҳаётида тарихий воқеа содир бўлди. Бир неча ўн йиллик меҳнат фаолиятим давомида бу кўламдаги ўзгаришларга гувоҳ бўлмаган эдим. Миллий металлургиямиздаги ислохот ва янгиланишлар мазкур соҳада яшириниб ётган янги имкониятларимизни кашф этди. Қани энди, тақдир мўъжизаси рўй берсаю жилла курс, эллик ёшга ёшариб, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган металлургия комбинатида тер тўкиб, бу тарихий жараёнларга ўз ҳиссамни қўйсам, дея орзу қиламан.



Ўтган кунини давлатимиз раҳбари Бекободга ташриф буюриб, янги мажмуани ишга тушириш маросимида иштирок этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон металлургия комбинатида Қуюв-прокатлаш мажмуасининг ишга туширилиши кейинги йилларда мамлакатимизда кон-металлургия соҳасини янги технология босқичга олиб чиқиш бўйича кенг кўламли ислохотлар самарасини намойён этди. Охириги ўн йилда соҳага жалб қилинган 2 миллиард АҚШ доллари микдоридидаги хорижий сармоя бугунги кунда 31 та йирик ишлаб чиқариш қувватига ўз ҳосиласини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиш ва йирик бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, шунингдек, иқтисодийёт тармоқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутган металлургия меҳнати ҳаммиса юксак қадрлаб келинмоқда. Биргина ўзимдан қиёс: кунини кеча Президентимиз меҳнатимизни жуда юксак қадрлаб, замонавий автомобил калитини қўлимга топширди. Ўйга янги машинада борсам, қўни-қўшнилари айтяптики, одам бир умр ҳалол ва пок ишласа, албатта, қадр топиб, касбининг рағбатини кўрар экан. Бир нуруний учун бундан ортиқ бахт борики?!

Металлургиянинг пўлатда тобланган матонати муносиб эътироф этилаётгани учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Ҳамид АНДАЕВ,
меҳнат фахрийси.

Бекобод шаҳри.

ОБОД МАМЛАКАТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДИМАН!

Жонажон Ўзбекистонимиз аҳолисидан яримдан зиёд қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшлар мамлакатидидаги 1 145 нафар йигит-қиз Ўзбекистон металлургия комбинатида меҳнат қилиб келади. Оғир саноат корхонасида ишлаётган юздан зиёд дугоналарим замонавий технологияларнинг янги авлодидан фойдаланган холда, миллий иқтисодийётимизни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Айниқса, етмиш бир нафар тенгдошимнинг Германияга малака ошириш учун юборилгани ва олмон юртида ўзлаштирган кўникмалари асосида комбинатимизнинг Қуюв-прокатлаш мажмуасида замонавий технологиялардан самарали фойдалана бошлагани янги имкониятлар эшигини очди.

Дил сўзи

Бекобод шаҳрига ташрифи доирасида Президентимиз металлургия оғир, аммо шарофли соҳа эканини таъкидлаб, комбинатимиз ишчи-ходимларининг машаққатли ва фидойий меҳнати юксак ҳурмат ҳамда таҳсинга сазоворлигини айтди. Соҳа фахрийлари, ҳамкасбларим ҳамда хорижий ҳамкорлар билан мулоқот қилиб, янги мажмуа фаолиятига ҳам старт берилди.

Бу корхонанинг иш бошлаганидан барча қатори биз, бекободлик хотин-қизлар жуда қувондик. Зотан, Тўмарис, Биҳишоним, Нодира, Ўвайсий каби момоларим ўзларининг пўлатдек матонати билан шонли тарихимизда бутун бир даврни ташкил этган. Бир қўли билан бешиқни, бир қўли билан дунёни тебратган мўътабар ва мунис оналаримизга муносиб издош ўларок Янги Ўзбекистонимизда учинчи Ўйгонининг мустақам пойдеворини ҳозирлашга ҳисса қўиш бахтига мўъясар бўлаётганимизни тақдирнинг бизга туғфа этган муқофоти, деб биламан.

Гарчи, оғир саноат корхонасида ишласам-да, болаликдан шеърят ҳаваси билан шеърлар машқ қилиб келаман. Кейинги йилларда, айниқса, юртимиз қизларига қаратилаётган эътибор, давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги бизга



қанот ва илҳом бағишламоқда. Президентимизга чексиз эътибор ва юксак эътироф учун миннатдорлик изҳор қилиб, ушбу шеъримда ёзганимдек, шу азиз Ватанимнинг мустақам пойдевори учун ҳисса қўишда давом этаман:

Олов билан тиллашар қўлим,
Темирга жон берамиз ҳар кун.
Хизматдами қад ростлаётган
Ҳар бир бино, иншоот учун.

Янгиланиб борар шаҳарлар,
Янгиланиб борар бўстоним.
Пўлатдайн мустақам, мағрур
Гуллайверсин Ўзбекистоним.

Металлургия — олов фарзанди,
Матонати — қучи, орида.
Менин ҳам ўз ҳиссам бор бугун
Шу Ватаниннинг пойдеворида.

Дилноза ПРИМҚУЛОВА,
«Ўзметкомбинат» акциядорлик
жамияти Қуюв-прокатлаш
мажмуаси мутахассиси,
Зулфия номидаги Давлат
муқофоти совриндори.

МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЕЧИМЛАРИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ

◀ Соҳада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг 2025 йил 5 март кuni бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қўрилган чоралар натижасида парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, 2025 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, соҳаларда коррупцияга омилларини бартараф этиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан 37 та таҳлилий маълумот тайёрланган. Улар бўйича 19 та янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, маиший коррупциянинг олдини олиш бўйича Андижон тажрибаси, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда фаоллигини оширишга қаратилган Навоий тажрибаси, рақамлаштириш бўйича Самарқанд тажрибаси каби ижобий малакалар яратилиб, бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Мажлисида айтилганидек, комплаенс хизма-тининг ташкил қилиниши, давлат органлари ва ташкилотларида комплаенс ҳамда коррупцияга қарши ички назорат бўйича ўринбосарлар фаолиятининг йўлга қўйилиши коррупцияга қарши курашиш борасидаги янгиланишлар изчиллигини таъминлаш ва жойларда чора-тадбирлар иж-росини самарали олиб боришда катта туртки бўлди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан агентлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, илмий муассасалар, коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ва фуқаролик жамияти институт-ларининг доимий ҳамкорлигига асосланган “Коррупциянинг олдини олиш кластери” жорий этилди.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан кор-рупцияга қарши курашиш борасида амалга оши-рилган ижобий ишлар билан бир қаторда, соҳа-да тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва эъти-бор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги айтилди. Шунингдек, давлат харид-ларида манфаатлар тўқнашуви, давлат ор-ганларининг очиклиги ҳамда бюджет маблаглари-дан самарали фойдаланиш бўйича коррупция-вий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига им-кон бераётган шарт-шароитлар тўлиқ бартараф қилинмагани, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-га ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда белгилан-ган талаблар тўлиқ ижро этилмасдан қолаётг-ани депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.

Халқ вакиллари агентлик томонидан кор-рупцияга оид, энг аввало, Ўзбекистон Республика-сининг миллий манфаатларига ва халқаро ими-жига зарар етказувчи жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини комплекс таҳлил қилиш, бюджет маблагларининг сарфланиши, давлат ак-тивларининг реализацияси, инвестиция лойи-ҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ материалларни ўрганиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг қарорлари қонунийлиги юзасидан ўтказилаётган назорат самарадорлигини оширишга қаратилган тақлиф ва тавсиялар беришиди.

Мажлисида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари кун тартибидаги масала юзасидан ўз муносабатларини билдиришди.

Яқунда соҳани такомиллаштириш ҳамда агентлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қатор тақлифлар ишлаб чиқилиб, Қонун-чилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Аҳолининг хавфсиз яшашини таъминлаш — халқ вакиллари эътиборида

Депутатлар қурилиш тугалланмаган кўп квар-тирالي йилларда фуқароларнинг ноқонуний яша-шига ружсат бериш ҳолатларининг олдини олиш-га қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чикди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамла-катимизда шаҳарсозлик соҳасини такомил-лаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кейинги вақтларда қурилиш тугалланмаган ва белги-ланган тартибда фойдаланишга қабул қилинма-ган кўп квартирالي йилларда фуқароларнинг но-қонуний яшашига ружсат бериш ҳолатлари уч-рамоқда. Ва мазкур вазиятлар фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, соҳада фаолият юри-таётган субъектларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган превентив чораларни ку-чайтиришни талаб этмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодекси-га кўп квартирالي уйлارнинг қурилишига масъул шахслар ёки мансабдорлар томонидан белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирالي уйларга фуқаролар-нинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун тўғри-дан-тўғри жиноий жавобгарлик белгилаш та-клиф этилмоқда. Шу билан бирга, Шаҳарсозлик кодексига бюортмачи ва пудратчиларга белги-ланган тартибда фойдаланишга қабул қилинма-ган кўп квартирالي уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўймаслик чораларини қўриш ма-жбуриятини юқлашни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чикилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда чет эл фуқароларига виза бериш ва уларни рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм соҳасини ривожлантириш учун имтиёз ва пре-ференциялар берилиши натижасида республи-камизга кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сони ортиб бормоқда.

Бироқ айрим чет эл фуқаролари ва доимий равишда бошқа давлатлар ҳудудида ашаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзига берилган имтиёзлардан тўғри фойдаланмасдан, республикамизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари қузатилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритил-моқда. Яъни мамлакатимиз ҳудудида бўлиб тур-ган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат фаолиятини амалга оши-риш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси меҳнат муносабатла-ри соҳасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, фуқаро-ларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутат-лар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик

Прекурсорларнинг муомаласига оид қоида-ларни бузганлик учун жавобгарлики белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чикилди.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик ва уюшган нарқожиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширил-моқда. Бироқ яширин нарқолабораторияларда синтетик гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш-да прекурсорлардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бораётгани мазкур соҳада ҳуқуқий ме-ханизмларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Амалдаги қонунчиликда прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилмагани ай-бир ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий баҳосиз қолишига сабаб бўлмоқда. Қонун лойиҳаси ай-нан ушбу бўшлиқни бартараф этишга қаратил-ган.

Мазкур лойиҳа билан Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлики белгилувчи янги норма киритилмоқда. Мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин та-корран содир этилганда Жиноят кодексида жи-ноий жавобгарлик белгиланиши назарда ту-тилмоқда. Шу билан бирга, Жиноят-процес-суал ҳамда Мазмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексларга ушбу тоифадаги ишларнинг тегишлилиги ва уларни қўриб чиқиш ваколат-ларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгарти-ришлар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳаси-нинг қабул қилиниши прекурсорларнинг ноқо-нуний муомаласининг олдини олиш, синтетик гиёҳвандлик воситалари ишлаб чиқарилишига қарши курашиш самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлигини муҳофа-за этиш ҳамда мамлакатда наркотик восита-лар ва уларнинг прекурсорларининг қонунга хилоф айланмасига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ўрмон фонди ҳудуди давлат муҳофазасида

Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий мақоми-ни янада мустаҳкамлаш, уларни муҳофаза қилиш-нинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш ҳамда экологик барқарорлигини таъмин-лашга қаратилган қонун лойиҳаси қўриб чикилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамла-катимизда экологик барқарорлики таъминлаш, биологик хилмахиллиқни сақлаш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида чора-тадбирлар изчил амалга оши-рилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам соҳада қили-наётган кенг кўламли ишларнинг ҳуқуқий асо-сларини такомиллаштиришга қаратилган.

Амалда ўрмон фонди ерларини ер фонди-нинг бошқа тоифасига ўтказиш Вазирлар Маъ-камасининг қарори билан тасдиқланган Низом-га мувофиқ баҳарилар эди.

Эндилиқда ўрмон фонди ерларини ер фон-дининг бошқа тоифасига ўтказиш тартиби қонун даражасида мустаҳкамланмоқда. Қонун лойиҳа-сида ўрмон фонди ерларининг алоҳида муҳо-фаза этилишини таъминлаш мақсадида Ер ко-дексига ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти томонидан қабул қилинади-ган ҳужжат асосида амалга оширилиши белги-ланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўрмон фонди ерларининг сақланишини таъмин-лаш, улардан мақсадли ва оқилона фойдала-нишнинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш, экологик барқарорлик ва биологик хилмахил-лиқни сақлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш, ўрмон фонди ерларини муҳофаза этиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томо-нидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Фахрийлар мақоми қонун билан белгиланмоқда

“Фахрийлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ик-кинчи ўқишда моддама-модда қўриб чикилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда фахрий-лар, айниқса, Ватанимиз ва халқимиз тараққиё-ти учун бутун умрини бахшида қилган кекса ав-лод вакилларига алоҳида эътибор қаратилиб, қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фахрийлар ма-қоми ҳамда бу соҳада масъул вазирлик ва идо-раларнинг ваколатлари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида фахрийларнинг тоифала-ри ҳам белгиланмоқда. Яъни уруш фахрийлари ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахслар, бошқа мамлакатлар ҳудудида олиб бо-рилган жанговар ҳаракатлар фахрийлари, Ўзбе-кистон Республикаси Қуролли Кучлари тарки-бига қирадиган вазирлиқлар ва идораларнинг фахрийлари, суд, прокуратура, адлия ва божхо-на органларининг фахрийлари, меҳнат фахрий-лари, алоҳида тоифадаги фахрийлар.

Лойиҳага кўра, белгиланган талаб ва мезон-ларга мувофиқ муайян бир соҳа, тармоқ ёки касбда узоқ йиллар мобайнида виждонан наму-нали меҳнат қилиш орқали давлат ҳамда жамия-ят эътирофига сазовор бўлган шахсларга фак-рий мақоми берилади.

Назира МУХТОРОВА, Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— Фахрий мақомини ол-ган фуқаролар имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Хусусан, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларида бепул даво-ланиш, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўловларини олиш, шаҳар транспортда бепул юриш, ҳаво ва темир йўл чипталарида чегирмалар, давлат хизматларидан навбатсиз фойдаланиш каби имтиёзлар шулар жумласидандир. Шунингдек, фахрийларнинг соғломлаштириш муассасаларида дори восита-лари билан имтиёзли таъминланиши, маданият ва кўнгилочар муассасалар (спорт, театр, мод-дий маданий мерос объектилари) ҳамда музей-ларнинг пуллик хизматларидан имтиёзли фой-даланиши белгиланмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, фахрийларга бериладиган барча имтиёз ва қафолатлар қонун билан аниқ белгиланиб, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш янада мустаҳкам-ланади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси де-путатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Меҳнат муносабатлари рақамлаштирилади

Депутатлар меҳнат муносабатларини тако-миллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда қўриб чикди.

Мазкур ҳужжат меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Хусусан, ишга қабул қилишда талаб этила-диган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Яъни илгари суриляётган тартибга кўра, фуқа-рони ишга қабул қилишда, асосан, унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва қақирилувчилар эса ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий ҳисобда тур-ганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилади.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-да. Эндилиқда, электрон рақамли имзо ёки био-метрик идентификация (Face-ID) орқали тасдиқ-ланган ҳужжатлар юридик жиҳатдан кўлда им-золанган ҳужжатлар билан тенглаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасида меҳнат жараёнида таъзиқ ва ўзравонликка қарши курашишга доир нор-малар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бундай ҳолатларни тақиқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланган ходимларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда. Бундан ташқари, иш берувчи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақ-дирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пуллик компенсация тўлаш тартиби аниқлаштирил-моқда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутат-лар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юбо-рилди.

Сафарбарлик тўғрисидаги муҳим ҳужжат

Кун тартибидаги навбатдаги масала — “Са-фарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чикилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси мамлакат мудофаа қобилиятини янада мус-таҳкамлаш, давлатнинг сафарбарлик тайёргар-лиги тизимини такомиллаштириш, давлат орган-лари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органла-ри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг сафар-барлик соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилашга қаратилган.

Лойиҳага кўра, сафарбарлик мамлакат хавф-сизлигини таъминлаш мақсадида давлат орган-лари, ташкилотлар, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини уруш даври шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлашга қаратилган чора-тадбир-лар мажмуи ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат учун муҳим вазифаларни ўзүксиз бажа-риш мақсадида айрим ходимларни ҳарбий хизматга қақиршдан вақтинча озод этишни назарда тутувчи бронлаштириш тартиби ҳам назарда тутилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар билдирган фикр ва тақлифлар атрофида муҳокамадан ўтказилиб, унинг ҳар бир моддаси чуқур таҳлил қилинганли қайд этилди. Натияжада қонун лойи-

ҳаси ҳуқуқий, мазмуний ва юридик-техник жи-ҳатдан янада такомиллаштирилди. Хусусан, қонун лойиҳасининг концептуал асосини таш-кил қилувчи тушунчалар қайта қўриб чиқилиб, уларнинг ҳуқуқий мазмуни аниқлаштирилди, амалдаги қонунчиликда қўлланилаётган ҳуқуқий атамалар билан мувофиқлаштирилди, ортиқча ва тақрорланувчи нормалар чиқарилди.

Шунингдек, сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлиқнинг асосий принциплари ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштирилиб, принцип хусу-сиятига эга бўлмаган, сафарбарлик тадбирла-рини амалга ошириш тартибини белгилувчи ай-рим нормалар чиқарилди. Бу эса қонун норма-ларининг ҳуқуқий аниқлиги ва ҳуқуқни қўлаш амалиётида бир хил тушунилишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида сафарбарлик тайёргарли-ги ва сафарбарлиқ соҳасидаги давлат органла-рининг ваколатлари ҳамда мажбуриятлари ҳам қайта қўриб чиқилди.

Козимжон ТОЖИЕВ, Халқро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳами-ятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши сафарбарлик тай-ёргарлиги ва сафарбарлик соҳасидаги муносабатларни ягона ва яхлит ҳуқуқий асо-да тартибга солиш, давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлики янада такомиллаштириш, ваколат ва мажбуриятларни аниқ белгилаш, шунингдек, ҳуқуқни қўлаш амалиётининг самарадорлиги-ни оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томо-нидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги қафолатлари кучайтирилади

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафо-латларини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмла-рини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафо-латлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа ай-рим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қув-ватлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар кирити-лиши назарда тутилмоқда. Хусусан, лойиҳада тадбиркорлик субъектларининг тенглиги, ишончининг ҳимоя этилиши, мулк дахлсизлиги, тадбиркорликка оид қонунчиликнинг барқарор-лиги ва аниқлиги тадбиркорлик фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиланмоқда.

Лойиҳа билан давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш ва расмий статистика маъ-лумотларини шакллантириш мақсадида тад-биркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилимоқда.

Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаб-лар реестрининг ҳуқуқий асосларини мус-таҳкамлаш назарда тутилмоқда. Бунда агар бир-бир талаб ушбу махсус реестрга киритилма-ган бўлса, тадбиркор уни баҳармагани учун жа-вобгарликка тортилмаслиги назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари зиммасига янги мажбурият ёки кечовлар юқлатишни назарда тутувчи норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тадбиркор-лар ишқирокида муҳокама этилиши ҳамда улар тартибга солиш таъсири бўйича ижобий баҳо-ланган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин бўлади.

Бобур БЕКМУРОДОВ, Тадбиркорлик, ракобатни ривожлантириш ва саноят масалалари қўмитаси раиси:

— Қонун лойиҳасини ик-кинчи ўқишга тайёрлаш да-вомида ў атрофлича қўриб чиқилиб, депутатлар, тегиш-ли вазирлик ва идоралар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва экспертлар томонидан билдирилган тақ-лиф ҳамда мулоҳазалар таҳлил қилинди. Муҳо-камалар натижасида қонун лойиҳасининг бир қатор нормалари аниқлаштирилди ва такомил-лаштирилди. Жумладан, депутатлар ташаббуси билан лойиҳадаги принциплар, хусусийлашти-риш натижаларига оид қафолатлар, тадбиркор-ларга берилган имтиёз ва преференцияларни қўлашга оид ва бошқа қўллаб қондалар қайта қўриб чиқилди, айрим нормалар амалдаги қонун-чиликка мувофиқлаштирилди. Ҳуқуқий ноаниқ-ликларни бартараф этишга қаратилган ўзгар-тишлар киритилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ерлардан фойдаланишда тенглик ва шаффофик зарур

Мажлисида “Ер тўғрисидаги қонунчилик янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзе-кистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда мо-ддама-модда қўриб чиқилди.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш жараёнида тенглик ва шаффоф-лики таъминлаш, ер участкаларини бозор ак-тивига айлантириш, фермер ва деҳқон ҳўжа-ликларининг молиявий имкониятларини кен-гайтиришга қаратилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш зарурати ушбу ҳўжат-ни ишлаб чиқишга асос бўлган.

Мазкур лойиҳа билан Ўзбекистон Республи-

касининг айрим қонун ҳўжатларига ер участ-каларини бозор активига айлантиришга, ер му-носабатларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ер муносабатларидаги ваколат-ларини аниқлаштиришга, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини беришда (реализация қилишда) улардан фой-даланиш шартларини белгилашга қаратилган.

Равшан МАМУТОВ, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Қонун лойиҳасини ик-кинчи ўқишга тайёрлаш да-вомида ерларни ўзбошим-чалик билан эғаллаб олиш-нинг олдини олишга қар-титилган нормаларни қонунчи-ликка мувофиқлаштиришга ҳамда солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган да-ромадлар турини белгилашда фуқаролар ман-фаатини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қар-титилди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши му-ҳим бўлиб, натижада ерга бўлган ҳўқуқларни ишончли ҳимоялаш тизими такомиллаштирила-ди, қишлоқ ҳўжалигида ер ресурсларидан оқило-на, самарали ва ўзлүксиз фойдаланиш меҳа-низмлари ишлаб чиқилди, шунингдек, бўш тур-ган ер участкаларининг ўз вақтида ҳисобга оли-нишини ва реализация қилинишининг ҳамда ер участкаларини бозор активига айлантиришинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томо-нидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Ёшлар бандлиги бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги дирек-тори А. Саъдуллаевнинг “Ёшлар томонидан со-дир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, бундай жиноятлар содир этилишига олиб кел-ган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги пар-ламент сўровига жавоби қўриб чиқилди.

Тақдим қилинган жавобга кўра, сўнгги йил-ларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошири

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ НОЁБ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗ

картошкачиликда хорижнинг илғор тажрибаларини жорий этишга муваффақ бўлди

Аксарият миллий таомларимизни картошкасиз тасаввур қилолмаймиз. Шу боис аҳолининг “иккинчи нон” дея эътироф этиладиган мазкур неъматга талаби ҳар доим юқори. Кейинги йилларда ушбу эҳтиёжнинг катта қисми Россия, Беларусь, Нидерландия, Бельгия сингари давлатлар маҳсулотлари ҳисобига таъминланмоқда. Бироқ импорт қилинаётган картошқа баҳоси ва сифати ҳар доим ҳам харидор кутганидек бўлавермайди. Айни шу жиҳат юртимиз олимлари ва деҳқонлари олдига серҳосил ҳамда юқори сифатли картошқа уруғчилигини ривожлантириш, ички бозорни маҳаллий маҳсулот билан тўлдириш вазифасини қўймоқда.

Инновация

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аграр соҳани ислоҳ қилишга қаратилган ислохотлар жараёнида картошқачиликни ривожлантириш, хорижий илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, сифатли уруғликларнинг қафолатланган ҳажми ҳисобига ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилди бошланди. Пировардида юртимиз аҳолисининг картошқага эҳтиёжи барқарор таъминланмоқда. Бунда истеъмол ва уруғлик картошқа етиштиришга ихтисослаштирилган кластер ва кооперация механизмлари шакллантириш қўл келяпти, албатта.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашда “саноат занжири”ни яратиш ҳақида гап кетганида, “Agrover” масъулияти чекланган жамиятининг тажрибасини алоҳида эътироф этиш жоиз. Негаки, унинг Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Картошқа етиштирувчилар уюшмаси билан ҳамкорликдаги изланишлари натижасида Тошкент вилояти ҳудудида “Bo’stonliq kartoshkachilik markazi”, “Solanuz”, “Agrover-urug’chilik”, “Vernatural”, “Sof tabiat agro” МЧЖлар негизида истеъмолга йўналтирилган картошқа ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Agrover” агро-саноат кластери фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур кластернинг асосий вазифаси уруғлик картошқа етиштиришга йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда вирусиз “in vitro” технологияси асосида кўпайтирилган уруғларни маҳаллий иқлимга мослаштиришда юқори натижаларга эришилмоқда. Бундан ташқари, алмашлаб экиш тизими самарадорлиги илмий асосда қайта ишлаб чиқилди.



— Сир эмаски, айни пайтда республикамизда маҳаллий, серҳосил картошқа уруғчилигини ривожлантириш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки ҳозирги кунгача бизга истеъмол ва уруғлик картошқанинг катта қисми Покистон, Франция, Германия, Нидерландия, Россия каби давлатлардан импорт қилинмоқда, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти директори Баҳодир Иброҳимов. — Мамлакатимиз иқлими, суви, тупроғи, ҳосилдорлиги — буларнинг барчаси ҳавас қилса арзигулик. “Agrover” агро-саноат кластери жамоаси ана шу қулай шaroитдан фойдаланган ҳолда импорт муаммосини ҳал этиш сари дадил одамламоқда. Бу ерда картошқа минитуганакларини бирламчи лаборатория шaroитида, соғлом, биринчи ва иккинчи репродукция, супер элита ва элита ҳолатига етиштириш тизими йўлга қўйилган. Ушбу илмий ишланмалар юртимизда картошқа уруғчилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

“Agrover” жамоаси сафида иқтидорли ёш олимлар, хорижий тажрибали мутахассислар фаолият юритаётгани аграр соҳанинг бошқа

тармоқлари ривожига ҳам янги уфқлар очмоқда. Хусусан, дуккак-ли, бошоқли дон ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш, маҳаллий ва хорижий селекция ҳамда биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, екишдан олдин уруғликларга ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни қўллаш, шунингдек, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш каби самарали ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

“Agrover” агро-саноат кластери-нинг Зангиота туманидаги “Bo’z-Suv Biozergo” компанияси томонидан 2018 йилда 5 гектар майдонда ташкил этилган юқори технологияли мажмуа, айтиш жоизки, иссиқхона деҳқончилигида янги даврни бошлаб берди. Бундай деиш учун асослар етарли. Чунки у экологик тоза бўлиб, энг юқори — олтинчи авлод технологиялари татбиқ қилинган.



Кластернинг тўплаган бой тажрибаси негизда атиргулларнинг ҳам 40 дан ортиқ хорижий навлари маҳаллий шaroитга мослаштирилди. Қувонарлиси, “Гулшан”, “Хавас”, “Хива”, “Наврўз”, “Олмос”, “Анор”, “Оқтош”, “Амурсой” каби янги атиргул навлари яратилди. Бу гуллар 2019 йили Москва шаҳрида ўтказилган “Гуллар кўргазмаси” халқаро тадбирида “Энг яхши сифат учун” олтин медали билан тақдирланди. Компания иссиқликни сақлаш ва тақсимлаш тизимига ҳам эга. Европа сифати стандартларига жавоб берадиган энерготежамкор қозонхоналар, совитиш ва чиқиндиларни тозалаш тизимлари юқори самарадорлиги билан ажралиб туради. Ана шундай ўта замонавий мажмуада 127 нафар маҳаллий ёш йигит-қиз меҳнат қилаяпти.

Бугунги кунда мазкур иссиқхона билан Кишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Тошкент давлат аграр университети, Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа илмий муассасалар, хорижий инвесторлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бу эса ўзининг натижаларини бера бошлади.

Гап шундаки, иссиқхонада етиштирилган картошқа минитуганак ҳосили намуналарининг биринчи партияси олинди. Ваҳоланки, улар илгари Нидерландия ва Германия каби чет давлатлардан импорт қилинган. Шубҳасиз, бу Марказий Осиёда ноёб илмий-амалий марказ вужудга келганидан далolat беради.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу мажмуада нафақат картошқа уруғини “in vitro” усулида соғлом кўпайтириш, балки дуккакли ўсимликлар, мева-сабза-

ми яратилди. Қолаверса, дуккакли, бошоқли дон ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2018 йил 23 февралдаги “Республикада уруғлик картошқа етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори ижроси доирасида “Bo’stonliq kartoshkachilik markazi” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ташкил этилди.

Умуман олганда, “Agrover” МЧЖ томонидан ўтган қисқа давр ичида 23,3 млн. АҚШ долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, компания зиммасига олган инвестиция мажбуриятини тўлиқ бажарди. Бугунги кунда унинг тасарруфидagi картошқа ва бошқа сабзавот экинларини сақлаш бўйича логистика маркази, ихтисослаштирилган машина-трактор парки, тайёр маҳсулот — картошқа қуқуни ва картошқа фри ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш заводи самарали фаолият юритмоқда.

Аҳоли дастурхонига арзон, юқори сифатли картошқа ва бошқа ноз-неъматлар етказиб бериш учун эса Тошкент вилояти ҳудудида жами 3 834,88 гектар ер майдонларида деҳқончилик қилинмоқда. Айни пайтда 700 нафардан ортиқ дала ишчи ва хизматчилари Тошкент вилояти ҳамда пойтахт аҳолисини, шунингдек, ижтимоий соҳа ташкилотларини қиш-баҳор мавсумида картошқа маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят туманлари ўртасида имзоланган шартномаларга кўра, жорий мавсумда жами 25,5 минг тонна картошқа захираси яратилди ва кластернинг ихтисослаштирилган советкичли омборхоналарида сақланиб, аҳолининг картошқага эҳтиёжи таъминланди.

Юртимизда кундан-кун барқарорлашаётган қулай ишбилармонлик муҳити, тадбиркорларга яратиб берилган шарт-шaroитлар “Agrover” каби йирик бизнес тўғрисида вужудга келишига, иқтисодиёт тармоқларидаги долзарб муаммолар ечим топишига, ички бозор тўқин ва арзон бўлишига мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Шодиёр МУТАХАРОВ
(«Халқ сўзи»).

БИЁБОН БАҒРИДАГИ БЎСТОН

Рости, одамнинг одамдан фарқи бўларкан. Кимдир оёғининг тагидан оқиб турган зилол сувнинг қадрига етмаса, кимдир сув ташиб бўлса-да, қўл бағрида боғ ярата оларкан. Яккабоғ туманининг олис Сувлисой қишлоғида яшовчи фермер Турсунпўлат Мейлиқулов ана шундай узоқни кўра биладиган, қалб кўзи очик тадбиркорлардан бири десак, адашмаймиз. Сабаби у юртимизда кенг қўлоч ёзаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг фаол иштирокчисига айланган.

Интилиш

Сувлисой қишлоғи тоғ этагида жойлашган. Бу мўъжазгина қишлоқнинг сарҳадлари бир томондан тоққа — Ҳисор қўриқхонасига туташса, қолган томони адирликлар, яйловларга улашиб кетган. Чўнқи даласи ҳам ана шу яйловлардан бири. Бу ерлар илгари сув келмайдиган бийдай дашт эди, бир қисмига лалми галла экиларди. Кейинчалик изма-из келган қуроқчилик сабаб ҳеч ким бу қароқ далага уруғ сепмайдиган бўлди. Очиги, отарини Чўнқиға ёйиб юборган чўпонлар соялаш учун биргина даррахт топа олмасди.

Қаҳрамонимиз эса ўша қуроқчилик йилларида, ана шу биёбонда гектарлаб ерга



узанган турли-туман даррахтларга бой богни кўра олди. Неча кўнлаб қуза тиш, ўрганиш учун далаларни кезган фермер адириллар оша қарийб 15 км. узоқликда оқаётган Оқмагар булогини Чўнқи тупроғига бошлаб келиш мумкинлигига кўзи етди. Бу осон эмасди, асосан, қўл меҳнати талаб қиларди.

Асли касби меҳнат таълими ўқитувчиси бўлган Турсунпўлат муаллим меҳнатдан қочмайдиган тадбиркор инсон. Техниканинг у ёғидан кириб бу ёғидан чиқадиган мохир механик уста эмасми, дарсдан бўш пайтлари ҳам бекор ўтирмади. Нафақага қичқан, дам олиш масканлари барпо қилиб, хизмат

кўрсатишни йўлга қўйди. Аммо Чўнқи кенгликлари бўш ётгани унинг тинчлини бузди: 15 км. масофага резина қувур ётқизиб, сув тортиб келди.

...Сув келди, ҳаёт келди! Фермер Чўнқиға уй солди. Отанинг йўлини давом эттирган ўғли Илҳом Мейлиқулов шу ерда мўқим яшаб, даштни бўстонга айлантириш ҳаракатини бошлади. Уй ёнидан сигир-бузоқлару қўй-қўзилар учун молхоналар солинди. Ота фермерлиқни ўғлига топширди. Ана энди Чўнқида қизгин ҳаёт бошланди. Беллар богланди, енглар шимарилди, адирга “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида минглаб кўчатлар қадалди.

— Бугун “Турсунпўлат Мейлиқулов” фермер хўжалигида 700 туп тут, 400 туп терак, 500 туп бодом, 200 тупдан зиёд ўриклар, яна шунча ёнғок, 100 тупга яқин гилос кўчатлари

Фермер кечани кеча, кундузни кундуз демай ишляпти. Мана шундай ишчан, ташаббускор ёшлар эса юртимизда жуда ҳам кўп. Энг қувонарлиси, улар “четга кетиб ишлаш” эмас, ўз юртини обод қилиш, ўз тупроғида яшил боглар, янгиликлар яратиш иштиёғи билан яшамоқда. Зеро, мамлакатимизнинг ҳар қаричи — кенг имкониятлар ошёни.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Қашқадарёда «Мустақиллик тўйи» фестивали

Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги олдидан “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шiori остида “Мустақиллик тўйи” фестивали Қўқдала тумани маркази — Еттитом шаҳарчасидан старт олди.

Шу кунги фестиваль доирасида ҳудуднинг миллий ҳунарамандчилик маҳсулотлари, ёш истеъодларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ўтказилди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги катта концерт дастури тадбирга байрамона шукўб бағишладди.

— Фестиваль 26 июль кунига қадар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор Комила Каромова. — Тадбирлар давомида мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг маданий хордиқ чиқаришини таъминлашга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

«Маърифат» китобсеварларни чорлайди

Чортоқ тумани марказида жойлашган Зафар Диёр номидаги маҳаллада “Маърифат” зиё маскани фойдаланишга топширилди. У тадбиркорлар маблағи ҳисобидан қуриб битказилди.



Ушбу қўш қаватли замонавий бинода кутубхона, китоб дўкони ва 65 ўринли ўқув зали ўрин олган. Бу ердаги адабиётлар фонди ҳозирдаёқ 20 минг нусхадан ортиқ. Улар орасида аҳолининг барча қатламига мос ва турли жанрлардаги асарлар мавжуд бўлиб, шу жойнинг ўзига мутолаа қилиш, зарурат туғилган ҳолларда хонадон кутубхоналари учун сотиб олиш мумкин.

— Маърифий ишлар, аввало, кутубхонадан, китоб мутолаасидан бошланади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Чортоқ тумани бўлинимаси раҳбари Расулбек Уматов. — Шу жиҳатдан олганда, тадбиркорлар оиласининг катта қулайликка эга зиёхона барпо этиб, китобсеварларга тақдим қилгани таҳсинга лойиқ. Хайрли ташаббус туманимиз аҳли томонидан энг яхши ижтимоий лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Янги кутубхона нафақат китоб ўқиш маскани, балки ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавий камолот ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим маърифат ўчоғи сифатида ҳам чортоқликларга муносиб тўхфа бўлди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хонадонда мўъжаз музей

Бағдод туманидаги Дўрмонча маҳалласида яшовчи Мирзоалим Турсунов хонадонида 35 йил давомида йиғилган 4 мингга яқин тарихий буюмлар, ноёб осориётчиқалар, муслиқий альбомлар ва қадимий қўлёзмалардан иборат мўъжазгина музей ташкил этилган.



Туман қишлоқлари ва қўшни ҳудудлардан қизиқувчилар музейга келиб, бу ердаги ноёб ва тарихий буюмларни томоша қиладди, ўтмишда аждоқларимиз томонидан яратилган тарихий асарлардан баҳраманд бўлади. Мирзоалим Турсуновнинг уй-музеий Фаргона вилояти ҳокимлиги томонидан ҳам безбейбор қолдирилгани йўқ. Ҳозирда музей фаолиятини расмий мақомга ўтказиш ва хонадон соҳибига ушбу фаолияти учун маош белгилаш масаласини қонуний ҳал қилиш борасида амалий ишлар давом этмоқда. Фаргона тарихи ва маданияти музейи мутахассислари томонидан уй-музеий фаолияти ўрганилиб, уни янада кенгайтириш ва Бағдод туманининг туризм маршрутлари рўйхатига кириштириш борасида иш олиб боришмоқда.

— Миллий адабиётимиз, санъатимиз ва тарихимизнинг мўъжазгина қўзғуси бўлган бу музей — халқимизнинг мулки, каттаю кичик ундан баҳраманд бўлиш, — дейди Мирзоалим Турсунов. — Музейни ноёб экспонатлар, ижод намуналари билан бойитиш ҳаракатидан асло тўхтамаймиз.

Бир қарашда хонадонда ташкил этилган музей шунчаки оддий қизиқишдек туюлади. Аслида эса, бу саъй-ҳаракатлар замирида сидқидилдан қилинган меҳнат, қадриятларимизга ҳурмат туйғуси мужассам.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистонга туристик мақсадларда 6 миллион 565 минг 410 нафар чет эл фуқароси таширф буюрди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жаъобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6